

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSC.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**БУРАНОВА БАРНО МЕНГЛИБАЕВНА**

**БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ТАРИХИЙ-МИЛЛИЙ**  
**КОЛОРITНИ САҚЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ**  
**(«ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР» РОМАНИНИНГ ТУРКМАН**  
**ТИЛИДАГИ НАМУНАСИ АСОСИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Буранова Барно Менглибаевна**

Бадий таржимада тарихий-миллий колоритни сақлаш принциплари  
(«Юлдузли тунлар» романининг туркман тилидаги намунаси  
асосида)..... 3

**Буранова Барно Менглибаевна**

Принципы сохранения историко-национального колорита в  
художественном переводе (на основе перевода на туркменский язык  
романа «Звёздные ночи») ..... 27

**Buranova Barno Menglibayevna**

Principles of preserving historical and national color in literary  
translation (based on the translation into Turkmen of the novel «Starry  
nights») ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSC.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**БУРАНОВА БАРНО МЕНГЛИБАЕВНА**

**БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ТАРИХИЙ-МИЛЛИЙ**  
**КОЛОРИТНИ САҚЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ**  
**(«ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР» РОМАНИНИНГ ТУРКМАН**  
**ТИЛИДАГИ НАМУНАСИ АСОСИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fil.390 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Назаров Бахтиёр Аминович**  
филология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Халлиева Гулноз Искандаровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Гайлиева Огулбай Курбанмурадовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 рақамли Илмий кенгашининг «\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2021 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Р.А. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи, илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**Б.Тўхлиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,проф.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бадий таржима, таржима назарияси ва амалиёти, таржима муаммолари, унинг умумфилологик масалалари, бадий таржимада аслият матн бадииятини қайта яратиш, тарихий асарлар таржимасида тарихий-миллий колоритни сақлаш тамойиллари ва трансформацион жараёнларга алоҳида диққат қаратилмоқда. Тарихий асарлар таржимасида тарихий шахслар, воқеалар, миллий реалиялар, эскирган қатламга оид историзм ва архаизмларни акс эттиришдаги таржимон маҳорати, шунингдек, таржимада функционал-услубий мувофиқликка эришиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида тарихий асарлар таржимасида учрайдиган историзмлар, архаизмлар, миллий реалиялар, тарихий давр манзарасини қайта яратиш, адекватлик тамойилига амал қилиш, яхлит эквивалентлик масаласини тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда. Шу маънода, мазкур йўналишда яратилган тадқиқотлар таржима маҳсулининг санъат сифатида баҳоланишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, таржимашуносликда миллий колорит, қавм-қариндошлик атамалари, насрий асар таркибидаги шеърӣ парчалар ўгирмасида сўзма-сўз ва эркин таржима тамойиллари, муқобил сўз танлашда шаклий мутаносиблик ва тафовутлар, фразеологизмлар, халқона мақол-маталларни аслият матнига мос ҳолда ўгириш каби йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мустақиллик даврида ўзбек-туркман халқларининг ижтимоий-сиёсий жабҳадаги дўстлик алоқалари қаторида адабий алоқалар, таъсир, типология ва икки халқ адабиётининг Ўзбекистон ва Туркманистонда тарғиб ва ташвиқ этилиши адабиётшуносликда янгича талқин ҳамда таҳлил этиш заруратини туғдиради. «Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт»<sup>1</sup>лиги адабиётшунослик фани олдига ҳам назарий масалаларни жаҳон андозалари даражасига юксалтириш масъулиятини қўяди. Шунга кўра, қардош тиллардан қилинган бадий таржималарнинг қонуният ва тамойилларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асарининг туркманча, унга қиёсан, қорақалпоқча, русча таржималари мисолида таржима сифатини аниқлаштириш таржимашуносликнинг истиқболли йўналишларидан бири экани ва уни тадқиқ этиш диссертациянинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабридаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017, 22 декабрь. – № 258 (6952).

мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4871-сон «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги:** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек адабиётшунослигида бадий таржима соҳаси бўйича жуда кўплаб ишлар амалга оширилган, хусусан, таржима тарихи, назарияси, унинг бадий маданиятимиз тарихидаги ўрни, ўзбек таржимачилиги тарихи, таржимон маҳорати, таржима санъати, аслиятни қайта яратиш муаммолари жиддий ўрганилган<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Владимирова Н. Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык: Дисс..канд. филол. наук. – Ташкент, 1958. – 184 с.; Шарипов Ж. Русчадан ўзбекчага шеърӣ таржиманинг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1959. – 154 б.; шу муаллиф. Бадий таржималар ва моҳир таржимонлар. – Тошкент: Фан, 1972. – 258 б.; Мусаев Қ. Бадий таржима ва нутқ маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 159 б.; Пўлатов Ю. Бадий асарда номлар таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – 66 б.; Каримов М. Қозок, қирғиз тилларидан ўзбекчага таржиманинг айрим масалалари: Филол.фан.номз...дисс... – Тошкент, 1974. – 180 б.; Эгамова Я. Асл нусхадаги қаҳрамонлар образини бадий таржимада қайта яратиш масаласи: Филол.фан.номз. дисс... – Тошкент, 1974, 202 б.; Таржима санъати. – Тошкент: 1961. – 160 б.; Таржима санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 304 б.; Таржима санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976; Таржима санъати. 3-китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – 311 б.; Таржима санъати. 4-китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 327 б.; Таржима санъати. 5-китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 304 б.; Таржима санъати. 6- китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 263 б.; Бадий таржиманинг актуал масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 227 б.; Таржимон маҳорати. – Тошкент: Фан, 1979. – 195 б.; Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – 60 б.; Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 190 б.; шу муаллиф. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 232 б.; Ўзбекистонда бадий таржима тараққиёти (таржима тарихидан лавҳалар). – Тошкент: Фан, 1986. – 205 б.; Ўзбекистонда таржимачилик. – Тошкент: Фан, 1988. – 227 б.; Исомиддинов З. Яқин туркий тиллардан шеърӣ таржима хусусиятлари («Манас» эпоси таржимаси мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1991. – 191 б.; Жавбўриев М. Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш (О.Ёқубов «Улуғбек хазиnasi» тарихий романининг немисча таржимаси мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1991. – 153 б.; Очилов Э. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1994. – 134 б.; Мирзоқулов С. Қариндош тиллардан таржима асарларнинг лексик-семантик тадқиқи (Т.Қосимбековнинг «Синган қилич» романи таржимаси асосида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2000. – 155 б.; Яркинова Б. Туркий тиллардан таржимада тарихий колоритнинг акс эттирилиши (Қирғиз адаби Т.Қосимбековнинг «Синган қилич» романи таржимаси мисолида): Филол.фан.номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2002. – 25 б.; Дильманов И. Қардош тиллардан эпос таржимасида миллий ўзига хосликнинг қайта талқини: («Шаҳриёр» ва «Маспошша» дostonларининг ўзбекча таржималари асосида): Филол.фан.номз. дисс... – Тошкент, 2005. – 150 б.; Очилов Э. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2012. – 124 б.; шу муаллиф. Бадий таржима масалалари. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014. – 176 б.; шу муаллиф. Таржима назарияси. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014.–140 б.; шу муаллиф. Таржимашунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014. – 264 б.; Тухтаходжаева Н. Бадий таржимада лингвокультуранемаларнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан ва технология, 2013. – 132 б.; К.Жўраев ва бошқ. Таржимашунослик. – Тошкент: Академнашр, 2015. – 320 б.; Салимова Д. Шеърӣ таржимада бадий ният ва поэтик маҳоратнинг қайта ифодаланиши: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 158 б. Giray E. Özbek yazar Pırmkul Kadırov un romancılıđı. – Türkiye: Atvin 2018.

Бадиий таржима назарияси ва амалиёти, хусусан, қардош туркий тиллардан амалга оширилган бадиий таржимага алоқадор масалалар турли аспектда ўрганилган бўлса-да, П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» тарихий романининг қардош ва Европа тилларидаги таржима нашрлари, унга доир қатор илмий-назарий муаммолар юзасидан алоҳида фундаментал тадқиқот яратилмаган. Ҳолбуки, «Юлдузли тунлар» романи турк, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз каби қардош ҳамда рус, хинд, урду, бенгал тилларига таржима қилинган<sup>3</sup>. Муаммонинг ўзбек адабиётшунослигида яхлит тарзда ўрганилмаганлиги ҳам масаланинг монографик тарзда тадқиқ этилиши муҳимлигидан далолат беради. Ўзбек-туркман адабий алоқалари йўналишида қатор йирик тадқиқотлар яратилган бўлса-да, бу икки халқ бадиий таржимачилиги борасида ишлар ниҳоятда кам. Бу сирадаги энг сўнгги тадқиқотлар сифатида Ф.Сапаева ва О.Гайлиеваларнинг диссертацияларини кўрсатиш мумкин<sup>4</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий ишлари режасидаги ОТ-Ф1-77 рақамли «Ўзбек адабиёти дурдоналари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш (2017-2020 йй.) номли фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров «Юлдузли тунлар» романининг туркманча таржимасини (таржимон Шодурди Чориев) аслият билан қиёслаб, бадиий таржимада тарихий-миллий колоритни сақлаш принципларини аниқлаш, қорақалпоқча, русча таржима нусхаларни ўзаро қиёслаш орқали таржимон маҳоратини ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарихий роман таржимасида миллий ва тарихий давр колоритини қайта яратиш муаммосини ўрганиш, тарихий шахслар тасвирида миллий кийим-кечак номларининг таржимада акс этишини кўрсатиш;

роман бадиий контекстида учрайдиган историзм ва архаизмлар таржимасида таржимон қўллаган принциплари ва ёндашувларини илмий асослаш;

қардош тилларнинг бир-бирига яқинлигини ҳисобга олган ҳолда қавм-қариндошлик атамаларининг туркманча, қорақалпоқча таржима нашрларида акс этишини қиёсий-таҳлилий ёритиш;

роман матнида учрайдиган халқона иборалар, идиомалар ва мақолларнинг туркманчада тенг эквивалентлик асосида ўтирилганини аниқлаш;

Алишер Навоий, Жомий, Бобур, Биноий ва бошқалар ижодидан келтирилган шеърлий парчаларни романининг туркманча, қорақалпоқча, баъзи ўринларда русча таржималари билан қиёслаб, улардаги ютуқ ва муаммоларни кўрсатиб бериш;

<sup>3</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Yulduzli\\_tunlar](https://uz.wikipedia.org/wiki/Yulduzli_tunlar)

<sup>4</sup> Сапаева Ф. Махтумқули шеърлари ўзбекча таржималарининг қиёсий таҳлили: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б; Гайлиева О. Мустақиллик даври туркий халқлар лирикасида шаклий изланишлар ва уларнинг типологияси (ўзбек, қорақалпоқ ва туркман лирикаси мисолида): Филол.фан.д-ри (DSc) дисс. автореф. – Нукус, 2019. – 71 б.

аслият матнига мос муқобил сўз танлашда мутаржим асар ғояси, ёзувчи услуби ва мақсадини тўғри англаган ҳолда ижодий-индивидуал ёндашиши, тарихий ва географик жой номлари, тарихий обидалар номининг туркманча таржимада транскрипция ва транслитерация усули билан акс этишини аслият билан қиёслаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Юлдузли тунлар» романи (П.Қодиров. Юлдузли тунлар. – Тошкент, 1981)<sup>5</sup> ҳамда унинг туркманча «Йылдызлы гижелер» (Ш.Чориев таржимасида, Туркменистон, Ашхабод, 1988)<sup>6</sup>, қорақалпоқча «Жулдызлы түнлер» (Х.Жумашев, А.Содиқов таржимасида, Нукус, 1983)<sup>7</sup>, русча «Звёздные ночи» (Ю.Суровцев таржимасида, Москва, 1983, 1988)<sup>8</sup> таржималари олинди, шунингдек романнинг тўлдирилган нашр вариантлари ҳам қиёс учун таҳлилга тортилган<sup>9</sup>.

**Тадқиқотнинг предмети**ни «Юлдузли тунлар» романининг туркманча ва қорақалпоқча, русча таржималарининг аслият матни билан қиёсий таҳлили ҳамда бу таржималардаги таржимоннинг тарихий даврнинг миллий колоритини қайта акс эттиришдаги маҳоратини ўрганиш муаммолари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, статистик ва комплекс, лингвопоэтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«Юлдузли тунлар»нинг туркманча таржимасида оригиналнинг ўзига хос тарихий ва миллий давр колоритини беришда таржимон асосан тарихийлик, тарихий-услубий мослаштириш, замонавийлаштириш, фонетик принциплардан унумли фойдаланганлиги, ўзбек-туркман тиллараро лексик, фонетик ҳамда грамматик муштараклик мутаржимга адекватга анча яқин таржимани яратишда қўл келгани далилланган;

асар матнида учрайдиган архаизмлар, историзмларни туркманчалоштиришда мутаржим муқобил сўз танлаш принципига амал қилган ҳолда функционал-тарихийлик принципини сақлаб қолишга эришгани, асарда эскирган сўзлар таржимасида давр манзарасини тўлақонли акс эттириш учун архаизм ва историзмларни аслият матнига мос, муаллиф услубига мувофиқ ҳолда бера олгани, аммо баъзи ўринларда модернизация тамойилига мурожаат қилиш натижасида туркманча таржимада миллий реалиялар, сиёсий-ҳарбий атамаларни ўгиришда хатоликларга йўл қўйгани аниқланган;

халқона ибора ва сўзлар таржимасида сўзма-сўз таржима, муқобил вариант танлаш, модуляция тамойилларига асосланганлиги, матн таркибини ихчамлаштириш, қаҳрамон руҳиятини равон, содда, халқона услубда ифодалаш

<sup>5</sup> Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981. – 496 б.

<sup>6</sup> Кадыров П. Йылдызлы гижелер. (Ўзбек дилинден тержиме эден Ш.Чарыев). – Ашгабат: Түркменистан нешираты, 1988. – 558 б.

<sup>7</sup> Кадыров П. Жулдызлы түнлер (Х.Жумашев, А.Садықов аўдармасы). – Нукус: Қарақалпақстан, 1983. – 516 б.

<sup>8</sup> Кадыров П. Бабур. Звёздные ночи (Перевод с узбекского Ю.Суровцева). – М.: Сов.писатель, 1983. – 462 с.

<sup>9</sup> Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 462 б.; Юлдузли тунлар. (Бобур). Тарихий роман. – Тошкент: Шарк, 1999. – 543 б.; Юлдузли тунлар (Бобур). Тарихий роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 2018. – 565 б. (Ишнинг кейинги ўринларида ушбу манбалардан олинган парчаларда фақат саҳифа кўрсатилади.)



мақсадида паремиологик бирликларнинг тушиб қолиши қиёсий-типологик, лингвостилистик кузатишлар асосида аниқланган;

роман матнида учрайдиган Жомий, Навоий, Бобур, Биноий қаламига мансуб шеърӣ парчаларнинг таржимада акс этишида эркин таржима усулига муружаат қилиш натижасида шакл ва мазмунни сақлашдаги ютуқлар ҳамда сўзма-сўз таржима жараёнида шеърӣ тизимдаги камчиликлар, Шодурди Чориевнинг шеърӣ парчаларни туркманчалаштиришдаги маҳорати, лирик тасвир ҳамда талқинга индивидуал ёндашуви, рус таржимони Ю.Суровцев, қорақалпоқ мутаржимлари Ҳ.Жумашев, А.Содиқовларга нисбатан таржимада аслият бадий моҳиятини тўла ёритиш, муаллиф услубини кенг ракурсда теран акс эттиришдаги маҳорати асосланган;

топонимлар таржимасида мутаржим транскрипция ва транслитерациядан унумли фойдаланган ҳолда жой номларини ўгиришда таржимоннинг қўшимча географик ва тарихий фактларни беришдаги эркин изоҳлари қиёсий-чоғиштирув компонентлари асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

қардош тилларга ўзбек адабиёти намуналарининг таржимаси ҳамда мутаржим маҳоратини тадқиқ қилишда илмий-назарий манба бўлган;

миллий ва тарихий давр колоритини иккинчи тилда қайта яратишдаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашган;

шўро даври бадий таржимачилигида энг катта камчилик бўлмиш аслиятдан рус тилига ва ундан туркман тилига воситачи тил орқали амалга оширилган таржимадаги қўпол хатолар кўрсатилиб, тавсиялар берилган;

«Қиёсий адабиётшунослик» «Таржимашунослик», «XX аср ўзбек адабиёти тарихи», «Пиримқул Қодиров ҳаёти ва ижоди. Асарларининг таржималари» ўқув курслари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишга асос бўлган;

яқин тиллардан амалга оширилган таржима асарларнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари, бадий таржимага доир амалий ва назарий таҳлил тақомилини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда «Юлдузли тунлар» романининг туркманча таржимасининг аслият билан қиёсий таҳлили асосида қардош тиллардан таржима муаммолари комплекс ўрганилиб, назарий хулосалар чиқарилганлиги, тадқиқот қардош (яқин) тиллар таржимашунослиги соҳасига асосланганлиги, назарий хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган илмий-назарий хулосалар «Юлдузли тунлар» романининг яқин қардош тиллардан таржимани амалга оширган таржимонлар маҳорати ва қардош тиллар таржимачилиги тарихига хос тамойилларни кўрсатади, келажакда яратиладиган янги таржима нашрлар учун тавсиялар берилади, шунингдек, тарихий роман таржимасида энг катта муаммо бўлган тарихий-миллий давр колоритини очиқ беришга тегишли муаммоларни ҳал этишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таржимашунослар, олий ўқув юртлари талаба ва магистрантлари учун таржима назарияси ҳамда амалиёти бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда, шунингдек, П.Қодиров асарларининг қардош халқлар тилларига таржималари бўйича махсус курс ўтказишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Юлдузли тунлар»нинг туркманча таржимасида таржимоннинг тарихий ва миллий давр колоритини аслиятга мос тарзда бериши ва асарнинг бошқа тиллардаги таржималари билан қиёсий таҳлили асосида:

халқона ибора ва сўзлар таржимасида сўзма-сўз таржима, муқобил вариант танлаш, модуляция принципи тамойилларига асосланганлиги, матн таркибини ихчамлаштиришга оид материаллардан ОТ-Ф1-80 «Глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи» ҳамда ОТ-Ф1-77 «Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш» фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 7 декабрдаги №3/1255-2747-сон маълумотномаси). Натижада «Пиримқул Қодиров «Танланган асарлар»ига киритилган «Юлдузли тунлар»нинг навбатдаги янги нашрига ёзилган «Кириш сўз» ва «Тарихий шахслар ва тарихий жой номлари»ни изоҳлашда, романнинг туркман, турк, қорақалпоқ, русча таржималари ҳақидаги маълумотларнинг бойитилишига муҳим асос бўлган;

«Юлдузли тунлар» романида учрайдиган архаизмлар ва историзмларни туркманчалаштиришда мутаржим муқобил сўз танлаш принципига амал қилган ҳолда функционал-тарихийлик принципини сақлаб қолишга эришгани, асарда эскирган сўзлар таржимасида давр манзарасини тўлақонли акс эттиришига оид хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бадий таржима кенгаши ҳисобот йиғилишларида, адабий-илмий тўғарак машғулотларда унумли фойдаланилган (Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 20 майдаги №09-32/13-сон маълумотномаси). Натижада туркманча таржимадаги тарихий ва миллий колоритни қайта яратиш, адекватлик масалаларига доир таҳлиллар уюшмада ўтказилган маърузалар мазмунини бойитишга хизмат қилган;

таржимоннинг шеърий парчаларни туркманчалаштиришдаги маҳорати, лирик тасвир ҳамда талқинга индивидуал ёндашуви, топонимлар таржимасида мутаржим транскрипция ва транслитерациядан унумли фойдалангани, таржимада аслият бадий моҳиятини тўла ёритишга доир маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат», «Ўзбекистон тарихи» канали кўрсатувлари ҳамда «Ўзбекистон» радиоканали эшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 28 июндаги 01-16/126-сон маълумотномаси; «Ўзбекистон тарихи» телеканалининг 2021 йил 24 майдаги 35-сон маълумотномаси; «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 1 июндаги 49-21-сон маълумотномаси). Натижалар татбиқи адабий-маърифий кўрсатув ҳамда эшиттиришнинг илмий асосларга бой бўлишини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси:** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий конференциясидаги маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган хорижий нашрларда 1 та, шу мақомдаги республика журналларида 6 та, шунингдек, бошқа хорижий ва маҳаллий нашрларда 12 та мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 164 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бадий таржимада тарихий-миллий колоритни қайта яратиш муаммоси**» деб номланган биринчи боби уч фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл «**Таржимада миллий кийим-кечаклар номини акс эттириш**» деб номланади. Мазкур фаслда «Юлдузли тунлар» тарихий романи матнида учрайдиган историзмга айланган миллий анъанавий устки ва бош кийим номларининг туркманча таржимада акс этиши ўрганилди. Миллий кийим-кечаклар номи аслият билан қиёсланган ҳолда, туркманча таржимадан ташқари, қорақалпоқча, русча нашрлари ҳам кўздан кечирилиб, таржимадаги ютуқ ва камчиликлар аниқ мисоллар, далиллар билан исботлаб берилди. Жумладан, роман матнида *бўрк, банорас, чакмон, сидирга, дакана, чорик, қабо, атлас кўйлак, сақарлат делегай, тоқи, ятак, або* каби миллий кийим номлари учрайди. Мазкур миллий кийим-кечак номларидан баъзилари бугунги кунда ўзбек тилида деярли истеъмолдан чиққан, историзмларга айланган. Масалан, *сақарлат делегай, қабо, або* нутқимизда ҳам, кундалик турмушимизда ҳам ишлатилмаяпти.

Тарихий миллий колоритни тўлақонли очиш мақсадида муаллиф бундай сўзларнинг замонавий муқобилини ишлата олмайди. Акс ҳолда, тарихий ва бадий ҳақиқатга путур етади. Шу боис таржимашуносликда тарихий колоритни акс эттиришдаги уч принцип ажратиб кўрсатилади. Булар:

1. Функционал-тарихий принцип
2. Тарихий-услубий мослаштириш
3. Модернизация принципи<sup>10</sup>.

<sup>10</sup> Саломов Ф. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 15–93.

Биз баъзи бир миллий кийим-кечак номларининг туркман, қорақалпоқ ва рус тилида қандай таржима қилинганига эътибор қаратиш ва уни илмий таҳлил этиш, мутаржимлар таржима жараёнида юқорида қайд қилинган тамойиллардан қанчалик ўринли фойдаланганини изоҳлаш мақсадида қуйидаги жадвални тавсия этамиз:

<i>«Юлдузли тунлар» аслияти</i>	<i>«Йылдызлы гижелер» (Ш.Чориев таржимаси)</i>	<i>«Жулдызлы тунлер» (Х.Жумашев, А.Содиқов)</i>	<i>«Звездные ночи» (перевод Ю.Суровцева)</i>
Бўрк	Телпек	Бөрк	Шапка
Салла	Гечилйән	Сәлле	Чалме
Чакмон	Чәкмен	Шекпен	Чекмен
Қабо	Келтекче	Бешпент	-
Сақарлот делагай	Дүе йүнден эдилен чәкмен	Сақарлат делегей	Сақарлат
Пиёзи чакмон	Йүң чәкмен	–	–
Тоқи	Тока	Тақья	Шапка
Оқ атлас кўйлак	Ақ атлас көйнекли	Атлас көйлег	Белым атласным платье
Чориқ	Чарыг	Шарық	Чарик

Кузатиб турганимиздек, «Юлдузли тунлар» романида ишлатилган миллий кийимлар қардош халқлар тиллари, яъни туркман ва қорақалпоқ тилига таржима қилинганида унчалик катта тафовут қилмаган. Чунки бу тиллар бир туркий тиллар оиласига мансублиги билан изоҳланади.

Бобнинг иккинчи фасли «**Историзм ва архаизмларни таржима қилиш усуллари**» деб аталади. «Юлдузли тунлар» тарихий мавзудаги роман бўлгани учун П.Қодиров историзм ва архаизмлардан асар матнида жуда кўп ўринларда тарихий давр манзарасини, тарих воқелигини тўлалигича акс эттириш учун услубий лексик восита сифатида фойдаланган. Пировардида улар давр тарихий-миллий колоритини ифодалаш учун хизмат қилган.

М.Жавбўриев «Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш» масаласини О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» тарихий романининг немисча таржимаси мисолида ўрганиб, диссертациясида «ҳарбий атамалар ўгирмаси»га алоҳида фасл бағишлайди. Тадқиқотчи шундай ёзади: «Агар тарихий асардаги воқеликда ҳарбий ҳаёт ёки урушга оид эпизодлар мавжуд бўлса, ёзувчи ўша даврга хос ҳарбий санъат, жангда қўлланилган қурол-яроғлар, ҳарбий кийим-бошлар тасвирига алоҳида эътибор беради. Чунки булар асарда муайян функцияни бажаришлари билан бирга ундаги тарихий картинани ёритишда, давр руҳини ифодалаш учун ҳам хизмат

қилади. Шу боисдан бундай ҳолларда ёзувчи тарихий ҳарбий терминларга, лексик қатламларга, реалияларга мурожаат этади»<sup>11</sup>.

Шунга ўхшаб, «Юлдузли тунлар» романида ҳам *чигдовул, кўрчи, сарбоз, доруға, черик, жиба, камон, ўқ, зирҳли дубулға, ёй, қилич, найза, сақдон, соқчи, ўнбоши, ўрон, навкар, яроғбардор, тавочи, муҳораба, табл, гул, масофуруш (юзма-юз жанг), тўлғама (ҳарбий тактика), фотих, жангдовул* каби кўплаб эски туркий тилга доир ҳарбий атамалар учрайди. Таржимон бу каби историзм ва архаизмлар таржимасида муайян даражада бадий таржима услубида тарихийлик принципини сақлаб қолишга ҳаракат қилган, баъзиларини эса туркман китобхонига тушунарли тилда замонавийлаштирган: *соқчи/гаравул, найза/найза, ўнбоши/онбаши, отлиқ/ атлы, чигдовул/чапар, доруға/хаким*. Зеро, «таржима имкон қадар оригинал асарга яқин ва тўғри бўлиши керак... Нотўғри таржима нотўғри талқинни юзага келтиради»<sup>12</sup>.

Ш.Чориев кўпгина историзм ва архаизмларни туркман тилига ўгиришда муваффақиятларга эришган, деб айтиш мумкин. Масалан, аслият матнда берилган қуйидаги парчада ҳам бу ўз аксини топган. Албатта, бу ўринда қардош тиллар ўртасидаги муштараклик ҳам таржимонга қўл келганини таъкидлаш жоиз. **Аслиятда: маҳофа, мирохўр, жиловдор**

*Темур дарвозаси деб аталган улугвор тангидан ўтганларидан кейин Бобур маҳофанинг эшигини ланг очиб, мирохўрни чақиртирди. ...Жиловдор отни яна маҳофа олдиға етаклаб келди. (149-150) (Мирохўр «амири охур» дегани. Мирохўр подшоҳ отбоқарларининг бошлиғи. )*

#### **Туркманчада:**

*Бабыр гитдигиче өзүни тутярды. «Тимуриң дервезеси» дийилйән улы агыздан өтенлеринден соң, ол кежебәниң тутусыны сырып, мирахыры чагырды, ...Жылавдар аты ене-де кежебәниң алкымына элтди. Мырахыр – эмыры ахыр ягны ша атбақарларының баштутаны диймек. (162–163)*

Хулоса шуки, «Юлдузли тунлар» романининг туркманча таржимасида историзмлар ва архаизмлар баъзи жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда, ниҳоятда билиб-тушунилиб таржима қилинган. Чунки мутаржим ўзбек халқи ҳаётини яхши билади, муаллиф мақсади ва услубини теран ҳис қилган, энг муҳими эса, «Юлдузли тунлар» романида тасвирланган тарихий ва миллий воқелик ҳақида аниқ ва батафсил билимга, тасаввурга эга.

Бобнинг учинчи фасли «**Таржимада қавм-қариндошлик атамаларининг берилиши**» деб номланади. Ишнинг бу фаслида асл нусхада қайд қилинган қариндошлик терминларининг таржимада қандай берилганлигини ўзбек-туркман тиллариаро қиёсий ўрганилган. «Юлдузли тунлар»да энг қадимги даврдаёқ шаклланган ва ҳанузгача мавжуд асосий қариндошлик терминларининг XV-XVI асрларда ишлатилган *катта она, тоға, оға, эгачи, қайлиқ, куёв, чеча* каби кўринишлари ҳам берилган.

<sup>11</sup> Жавбўриев М.М. Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш (О.Ёкубов «Улуғбек хазинаси» тарихий романининг немисча таржимаси мисолида): филол фан. номзод дисс... Тошкент, 1991. – Б. 76.

<sup>12</sup> Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. –Тошкент: Академнашр, 2020. – Б. 34.

Бу атамаларни туркман тилида беришда Ш.Чориев мазкур терминлардаги умумтуркий муштараклик қонуниятига тўла амал қилган. Уларнинг асл нусхада берилиши билан таржима лексик муқобилликларида баъзи фонетик фарқлар бор, лекин семантик фарқлар йўқ. Шунингдек, Бобурнинг опаси ҳақидаги мурожаатидан ишлатилган – *Ким бизга почча бўлмоқчи?* гапидаги почча термини – *Оңсоң bize гийев болжак гоч йигит кимкэ?* гапида номутаносиб бирикма билан бирга ифодаланган. Аслида туркман тилида ҳам *куёв* атамасига фонетик жиҳатдангина фарқланувчи *гийев* термини мавжуд экан, таржимон айнан шу сўзнинг ўзини бериб, *гоч йигит* сифатловчили бирикмани ишлатмаганида мақсадга мувофиқ бўлар эди. Табиатан оғир-босиқ, вазмин характерга эга ҳукмдорнинг опаси Хонзодабегим тақдири ҳақида бу қадар энгил ва ҳазиломуз қараши аслиятда берилган қаҳрамон руҳиятига мос тушмаган. (92; 113)

Диссертациянинг иккинчи боби «**Аслият бадийати ва таржимон маҳорати**» деб аталади. Мазкур бобнинг биринчи фасли «**Фразеологизмлар таржимасида тенг эквивалентлик ва услубий мослаштириш**» деб номланган. Ҳар қандай бадий асар тилини сермазмун ва таъсирчан қиладиган услубий воситалардан бири, шубҳасиз, ибора, мақол ва маталлардан ўринли фойдаланишдир. Чунки буларсиз асар қаҳрамонларининг характери, воқеалар ривожидagi ўзига хослик, муаллиф маҳоратини тасаввур қилиш қийин. К.Жўраев турғун бирикмалар таржимаси ҳақида шундай ёзади: «Адабий асар фақат бадий етук, гўзал, нафосатли бўлгандагина китобхонни ҳаяжонга солади, ажойиб руҳий кўтаринкилик бахш этади. Яхши китоб ўқиётганимизда, биз ундаги образлар дунёсига фарқ бўламиз, бутунлай бошқа ҳаёт бизнинг ҳаётга айланади. Фразеологик бирликлар мақол, матал, ҳикматли сўзлар сингари, ёзма ва оғзаки нутққа образлилик ва ҳиссиёт бахш этиб, унда айтилаётган воқеа, ҳодиса, нарсаларга бамисоли жон киритади. Улар туфайли бадий асар ва жонли тилимиз ихчам, ширали, бой, кучли ва чиройли бўлади, таъсирчанлиги ошади, ўқиш ва уқиш энгиллашади»<sup>13</sup>. Мазкур иқтибоснинг амалий исботини куйидаги контекстда кузатамиз:

*Хонзода бегим ҳамма балоларга ўзини тутиб бериб, укасини ёв қуршовидан халос қилганини Бобур билмаса ҳам Қутлуғ Нигор хоним яхши биларди. Узоқдаги нақора ва карнай-сурнайлар тўй шодиёнасини эслатувчи қувноқ куйлар чалган сари Қутлуғ Нигор хонимнинг юраги қон бўлиб, кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди (229).*

#### **Туркманчада, аслиятдаги 2 та ибора – таржимада 4 та:**

Ханзаданың өз мэхрем доганини өлүмден халас этмек учин өзүни **чуннур гуя атаныны, хесрет лайына охланыны** Бабыр билмесе-де, Гутлук Нигэр ханым өрэн оңат билйәрди. Узакдан эшидилйән кернай-сурнай сеслери, нэзик мукамлар энтеклерем Гутлук Нигэр ханымың **багрына ган өйүп, гөзүниц яшыны кепдирмейәрди (247).**

Мазкур парча романнинг «Самарқанд. Ҳал қилувчи олишув» деб номланган бобидан олинган бўлиб, Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор хоним,

<sup>13</sup> Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 36–37.

опаси Хонзода бегимнинг руҳий ҳолати тасвирида «*ҳамма балоларга ўзини тутиб бериб*», «*юраги қон бўлиб*» иборалари ишлатилган. Ш.Чориев ана шу руҳий тасвири бўёқдор ва жонли тасвирлашга хизмат қилган иборалар маъносини тўғри англаган. Натижада, таржимада «*чуңқур гуя атаныны, хесрет лайына охланыны*», «*багрына ган өйүп, гөзүниң яшыны кепдирмейәрди*» иборасини қўллайди. Мутаржим томонидан қўлланилган *хесрет лайына охланыны, гөзүниң яшыны кепдирмейәрди* иборалари эса тасвири янада таъсирчан ифодалаганки, айна ҳолат аслиятга жуда мос тушган. Эътиборлиси шундаки, мутаржим аслият матнида насрий қисмларда оддий сўз билан берилган тасвириларни янада образли қилиш мақсадида асосан туркманча ибораларга қўплаб мурожаат қилади.

«Юлдузли тунлар» романи матнида жуда қўплаб ўзбек мақоллари, матал ва идиомалари маҳорат билан ишлатилган. Ш.Чориев баъзи саҳифаларда учрайдиган ўзбек мақолларини таржима қилмасдан ташлаб кетган ўринлар ҳам бор. Бунга мисол келтирамиз.

Аслиятда	Туркманча таржимада
<p>– Минбаъд мен бир дарвиш бўлиб кун кўрмоқчимен! Жаноб Қосимбек, онамга айтинг! Мен ҳозир Ўратепага кетурмен! <b>Юз чумчукқа бир кесак!</b> Тожу тахт даъвосидан воз кечдим! Ким шунга қўнса, мен билан юрсин! Қолганларга жавоб! (Б. 222).</p>	<p>– Хеммеси гутарди! <b>Бар зат пуч болды!</b> Мениң дервүш болуп, даг-дүзлерде яшасым гелйә. Шу ниетими эжеме етир, Касымбег! Мен хәзир Урадепә гидйән. Мен инди <b>тәжитагты дырнагымча-да гөрөмок!</b> Ким мениң биле гидеси гелсе – атлансын! Галасы гелйәнлере-де – жогап! (Б. 258).</p>

Юқоридаги парчада Бобурнинг руҳий ҳолати акс этган. Бу парча романнинг «Кўчки босган булок» деб номланган бобидан олинган. Бобур нутқида ишлатилган «Юз чумчукқа бир кесак» мақоли туркманча таржимада акс этмаган. Мазкур бобда мағлубият ва йўқотишлардан кейин нажот излаб тоғаси Маҳмудхон ҳузурига келганида Бобурнинг хон саройида изза қилиниши, тўрт йилдан бери кўрмаган жиянини Маҳмудхон атайлаб девонхонада куттириб, ўзи эса Шайбонийхоннинг элчиси билан шатранж ўйнаши, қабул маросимида шоҳ Бобурни Шайбонийхоннинг элчисидан қуйи жойга ўтказилишини режалаштиргани, устига-устак Ойшабегимнинг Бобурга: «Сизнинг даргоҳингизда қачон яхши кун кўрибмен, Мирзам! Мудом сафар! Мудом таҳлика! Мудом сарсонлик! Ахир мен ҳам шоҳ қизимен» деган таъна-ю дашномларидан дили хуфтон бўлган, қайнэгачиси Розия Султон бегимнинг (Лақаби Қорақўз бегим – Маҳмудхоннинг рафиқаси) ҳам камситишларига тишини тишига қўйиб чидаган Бобурнинг узил-кесил қарори эди. Мазкур парча мутаржим Ш.Чориев томонидан ниҳоятда муваффақиятли равишда ўгирилган. Тўғри, гарчанд битта халқ мақоли матндан тушиб қолган бўлса-да.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли «**Шеърий парчалар таржимасида сўзма-сўз ва эркин таржима принципи**» деб аталади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, туркман таржимони асосан шеърий парчалар таржимасида эркин таржима

усулига мурожаат қилади. Русча ва қорақалпоқча таржимада эса аксарият ҳолларда сўзма-сўз таржима усули устунлик қилади. Аслида, «Таржимада сўзни эмас, маънони бериш муҳим. Шунинг учун сўзма-сўз таржимадан қочишга даъват қилинади. Лекин баъзан сўзма-сўз таржима қилиш имконияти ҳам мавжуд бўлади, яъни аслият – айнан сўзма-сўз таржима тилига кўчади. Бундай имкониятдан фойдаланиш керак. Чунки сўзма-сўз таржима муайян ҳолларда қонуний ҳодисадир. Эркин таржимада эса муаллиф услуби эмас, балки таржимон услуби устун туради. У аслиятни хоҳлаганча ўзгартиради, қисқартиради, унга ўзидан қўшади. Баъзида асл нусха мазмуни ва услубини сақлаган ҳолда уни ўз сўзлари билан янгидан ёзиб чиқади»<sup>14</sup>. Қуйида роман матнида берилган шеърий парчаларни қиёслаймиз. *Аслиятда:*»... *Бинойи ўн олти ёшли Бобур мирзонинг бунчалик ҳалоллигидан қаттиқ таъсирланди-ю, унга атаб бир шеър ёзди... Бобур жўнаётганда унга эсдалик қилиб бериб юборди. Қирқ тўрт йўллик бу шеърда у Бобурни кўп мақтаган:*

**«Шоҳ султони Заҳриддин Бобур**

***Ки жаҳон шуд зи сити адлаш нур» деб гўё жаҳон Бобурнинг адолат бобидаги шўхратидан нурга тўлганини айтган эди. (Б. 204)***

***Туркманчада:***

***«Он алты яшлы Бобур Мурзаның халаллыгы оны хайрана гойды, учурсыз толгундырды, ол бир демде Бабыра багшлап тарыпнама язды. Ол бу шығриң бир нусгасыны өкде хатдада гөчүрдип, Бабыр Самаркандтан гитменке, оңа ядигерлик бермеке етишди. Бынайының шығри қырқ дөрт сетирден ибаратды. Ол шығир сүнгатына махсүс ұлы мұхаббат билән башланарды:***

***Дунйәң шаны шохраты болдүң сен бейик Бабыр,***

***Адалаты йөрәлгең кылдың сен, бейик Бабыр.***

***Шейле диймек билен Бинайы Бабырдың адалат бабатындыкы шөхратындан бүтин дүнийемиз канагат тапды дийжсек болярды». (Б. 220)***

Қиёслардан шу нарса равшанки, нафақат шеърий мисраларда, ҳатто насрий баёнда ҳам таржимада аслиятга нисбатан анчагина ўзгаришни кузатишимиз мумкин. Шу боис биз буларни мисолларда махсус ажратиб кўрсатишни ўринли деб билдик. Бизнингча, романнинг мазкур ўрнида келган шеърий парчани аслиятдаги форсча байт қандай бўлса туркманчада ҳам шундай берилиши керак эди. Матн остида эса унинг мазмуни таржимон томонидан изоҳланса, бу тўғри иш бўлар эди. Аммо кузатиб турибмизки, Ш.Чориев форсча байтни ҳам туркманчалаштирган. Чунки таржимон тарихий давр ва адабий муҳитни ҳисобга олиши керак эди. Ваҳоланки, XIV–XV асрда форс тили асосий адабий тил бўлган. Аслиятда муаллиф П.Қодиров бежизга Бинойи шеърини форс тилида бермаяпти. Муаллиф бу орқали тарихий давр колоритини сақлаб қолган. Афсуски, Ш.Чориев бу нозик нуқтани илғамасдан, форсча шеърий парчани ҳам туркманча изоҳини берган. Бу эса аслият матнига биров хилоф иш бўлган. Айни шу ҳолатни Абдурахмон Жомий байтининг форсий изоҳи билан берилишида ҳам кузатиш мумкин. Қуйидаги жадвал орқали Бобур шеъриятининг таржималардаги шеърий парчалар аслиятга не қадар адекватлигини кузатамиз.

<sup>14</sup> Очиллов Э. Бадиий таржима масалалари. – Тошкент, 2014. – Б. 160–163.



Аслиятда	Туркманчада	Русчада	Қорақалпоқчада
Қолмади хурмат аҳли оламда, Оламу олам аҳлидин юв илик Бобур, икки подшоҳлигдин Яхшироқ бу замонда бир беклик (160).	Шалар бир- бириге қылмаз хорматы, Бир ша бейлекиге яғыдыр яғы. Бабыр, илде ики шалық боландан Бир беркарар беклик говудыр говы (174).	Надежды на людей, прильнувших к трону, -нет! Исчезли верности законы. Бедный свет! Бабур, стань лучше захудалым беком. Двух шахов под одной короной хуже нет! (144)	Қалмады бул дуняда хеш сыйласық! Сондаяқ бир- биреўге исенимде... Қуўыршақ патша болып жасағаннан Ыразы болар едим бекликке. (169)

Албатта, бир қарашда қитъадаги қофияланиш тизими (илик-беклик) ҳамда вазн шаклларининг таржимада (нет-свет) ўзгариши табиий ҳол. Зеро, «Асл нусхадаги икки қофиядош сўзга таржимада худди шундай қофиядош сўзнинг мос тушиши, ўша сўзларга улар билан бирикиб келадиган бўлак сўзларнинг маъно томондан айнан тўғри келиши амримаҳол»<sup>15</sup>.

Эътиборга сазовор томони шундаки, таржимон Ю.Суровцев аслиятдаги оддийгина **Бобур, икки подшоҳлигдин** мисрасини рус тилида ҳиссий-тасвирий жиҳатдан бўёқдор оҳангда ўзига хос ибора билан, яъни: **Двух шахов под одной короной хуже нет!** – Битта тож остида иккита подшоҳ муроса қила олмайди (Ўзбек тилида: Дунё ҳар қанча кенг бўлса-да, икки подшоҳга торлик қилади деган варианты ҳам бор) мазмунида бериб шаклий гўзалликни сақлаб қолган бўлса, **Яхшироқ бу замонда бир беклик** мисрасини эса Бабур, **стань лучше захудалым беком** – аслиятдаги **оддийгина беклик** мазмунидан келиб чиққан ҳолда **захудалым беком** – битта уруғ беги мазмунида бериб, аслиятдаги ўша даврга хос миллий руҳни, тарих ва замон тасвирини, зиддиятларини акс эттира олган. Шу ўринда яна бир ҳолатни таъкидлаш жоизки, рус таржимони Ю.Суровцев «Юлдузли тунлар» романидаги айрим шеърий мисраларнинг берилишида машҳур рус таржимони Н.Гребнева таржималаридан ҳам фойдаланган. Жадвалдаги туркманча таржимадан кўриниб турибдики, мутаржим Ш.Чориев ҳам шеърий таржимада вазн ва қофия (яғы – говы) тизимини сақлаган ҳолда миллий колоритни яхши сақлай олган. Аслиятдаги **«Оламу олам аҳлидин юв илик»**, яъни дунё аҳлидан умид узиш, қўлни ювиб қўлтиққа уриш мазмунидаги **ирсоли масал** (мақол ва ибора қўллаш) санъати билан берилган мисра мазмуни тамомила ўзгартирилиб, таржимада гўё янгитдан кашф қилинган: **Бир ша бейлекиге яғыдыр яғы.**

Таъкидлаш жоизки, ушбу қитъанинг ёзилиш даври Бобурнинг ўргимчак тўридек кундан-кунга чирмашиб, Андижондаги ҳокимиятига кўз тиккан Аҳмад Танбал ва Али Дўстбекларнинг кучайиб бораётган фитналарига барҳам бериш учун, бу борада укаси Жаҳонгир Мирзо билан муроса қилиб, Шайбонийхондан

<sup>15</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент, 1980. – Б. 333.

олдин Султон Али Мирзога қарши Самарқандни эгаллаш учун курашга тайёргарлик кўраётган тожу тахт учун зиддиятли курашларининг энди бошланган даврига тўғри келади. Демак, Бобур ўзини бу вақтда умуман кўғирчоқ подшоҳ деб ҳисобламаган. Қорақалпоқ мутаржимлари бу борада бироз хатога йўл қўйишганини кузатдик. Негаки, «**кўғирчоқ подшоҳ**» бирикмаси, Жавоҳарлаъл Неру таъбири билан айтганда «Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган» Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлат бошқаруви, ҳокимият учун кураш фаолияти ва шахсиятига умуман мос эмас, бизнингча. Шу боисдан мазкур мисрани қорақалпоқ тилида китобхон қуйидаги мазмунда ўқиса, фикримизча, Бобур мирзо айтмоқчи бўлган мазмунига мос тушар эди.

Қалмады бул дуняда хеш сыйласық!

Сондаяқ бир-биреўге исенимде...

Сыймас екен дуньяға еки патшалық

Соннан ыразы болар едим бекликке.

Умуман, роман матнида учрайдиган Жомий, Навоий, Бобур, Биноий кабилар қаламига мансуб форсий, туркий шеърый парчаларни ўгиришда Ш.Чориев эркин таржима жараёнида модуляция ва генерализация усули<sup>16</sup>га амал қилган. Лекин таржимада Жомий, Биноий қаламига мансуб форсий байтларни тўғридан-тўғри туркманча изоҳини бериб, ўтмиш адабиётига хос тарихий колоритни бироз бузган.

Мақзкур бобнинг учинчи фасли «**Муқобил сўз танлаш муаммоси**» деб номланади. Маълумки, таржимоннинг маҳорати оригиналдаги сўзга муқобил – маъно томондан тенг (тўла мос) келадиган сўзни ишлатишга боғлиқ. Илмий-назарий адабиётларда таржимада муқобиллик муаммоси қуйидагича изоҳланади: «Муқобиллик аслиятдаги вазиятни таржимада тўлиқ акс эттиришга бўлган ҳаракатдан юзага чиқади. Таржимон матнни ўз тилида қайта ярата туриб, аслият ўқувчиси асарни қандай тушунган ва таъсирланган бўлса, таржима матнни ўқувчи ҳам шундай таассуротга эга бўлишига эришишни мақсад қилиб кўяди. Бироқ икки тил эгалари ўртасидаги лисоний, маданий, ижтимоий ва ҳоказо фарқлар таржиманинг фақат лингвистик ўлчовларига таяниб амалга оширилишига йўл қўймайди. Таржимада муқобил тушунчаларни бериш ва ўқувчи томондан аслиятдаги маънони айнан қабул қилишига имкон бериши учун таржимон ўз тили бойликларидан унумли фойдаланиши зарур»<sup>17</sup>. Шу маънода ўрганилаётган асар тилида ишлатилган лексемаларни туркман тилига ўгиришда Шодурди Чориев муайян даражада асл нуханинг бадийлиги, образлилиги, эмоционаллигини ифодалашда туркман тилидан мос бирликлар танлашга ҳаракат қилган. Қиёсланг:

<b>Аслиятда</b>	<b>Туркманча таржимада:</b>
<i>Алишер Навоий Шифоия деган бино қурдирмоқчи деб эшитган эдим. (Б. 16)</i>	<i>Алишер Наваёы Шына жайыны гурдуржакмыш дийип гулагыма дегди. (Б. 20)</i>

<sup>16</sup> Рахимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Ўз МЭ, 2016. – Б. 132.

<sup>17</sup> Сирождидинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. –Б. 13.

Қиёсланг: ўзбек. **Эшитмоқ**, туркман **эшитмек** бирлиги бор. Агар таржимон *...дийин эшитдим* шаклида берганида аслиятга нисбатан экспрессивлик бўлмас эди. Қутлуғ Нигор хонимнинг Бобурни Самарқанд юришидан қайтариш мақсадида уни Андижонда турли меъморий обидалар, иншоотлар қуришга даъват этиш мақсадида айтилган ушбу нуткида **гулагыма дегди** ибораси жуда ўринли берилибдики, айна ҳолат таржимоннинг маҳоратидан дарак беради.

Маълумки, таржимада оригинал муаллифининг ўзига хос тили, услуби ва ниҳоят, оригиналнинг бадиийлиги, муаллиф мақсади ҳисобга олиниши лозим. Айна шу нуқтадан ёндашсак, туркман таржимони Ш.Чориев романи таржима қилиш жараёнида оригиналдаги айрим лексик birlikларга муқобил лексема танлашда баъзи стилистик, қисқача шакл ва мазмун диалектикасида жузъий ғализликларга ҳам йўл қўйган. Оригиналда *мунгли қиз* сўз бирикмаси ишлатилган. Бу бирикманинг биринчи компоненти аёлларга нисбатан қўлидан ҳеч нарса келмайдиган маъносидаги ожиз, бечора сўзлари билан синонимик муносабатга кириша оладиган, этимологик жиҳатдан форс-тожик тилига мансуб муштипар (ЎЗИЛ. I. 486) сўзининг синонимидир.

Қиёслаш. Ўзбек. Мунгли, муштипар, ғамли, қайғули, ҳазин, ғамнок синонимик қатордаги лексемалар бахтсизлик, жудолик туфайли содир бўладиган рухий азобни ифодалашда ишлатилади, қайғу-ғам сезгисини ифодалайди. Булар асосан бадиий асарларда қўлланади.<sup>18</sup>

Шундай экан, оригиналдаги *мунгли қиз* ўрнида таржимада *сөйгули гыз* бирикмасининг ишлатилиши тамомила тесқари маънода биринчисига антонимик бирикма ҳисобланади. Натижада оригинал муаллифи тасвирлаётган воқеа-ҳодисага мазмунан зид маъно юзага келади. Хонзода бегим томонидан отаси Умаршайх мирзога қарата қуюниб, фарзандлик муҳаббати ила қайғуриб айтилган, шоҳона одоб ва тавозе уфуриб турган ушбу парчанинг туркман тилида берилишига эътибор қилсак, таржимада Хонзода бегимнинг одоб ва тавозеси йўқолиб, шоҳнинг эрка, тантиқ қизига айлангандек, гўё. Қуйидаги микроконтекстни қиёсланг:

Аслиятда:	Туркманча таржимада:
– <i>Ҳазратим, мен мунглик қизингиз сизга худодан Шайх Саъдийнинг умрини тилайман! Илоҳим юзга киринг!</i> (23)	– <i>Шахым, сизиң сөйгули гызыңыз сизе худадан Сады Шыхың яшыны дилейәр. Ылахым йүз яшаң!</i> (30)

Қиёсий мисолларда «Юлдузли тунлар» романининг туркман тилига таржимасида айрим сўз ва ибораларнинг маъносини тўлиқ тушунмай ўгириш оригиналнинг лексик-стилистик, бадиий хусусиятига қусур етказганлиги яққол намоён бўлди. Бундай қусурларга йўл қўймаслик учун таржимашунос олим, проф. К.Қурамбоев таъкидлаганидек, «таржимон ҳар икки тилни, таржимага объект бўлган асар тилини ва ўз она тилининг лексик, фонетик, морфологик

<sup>18</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 263.

хусусиятларини яхши билиши зарур»<sup>19</sup>. Худди шу сабабли ҳам тарихий асарларни ўгираётган мутаржим олдига тасвирланаётган даврни чуқур ўрганиш талаби қўйилади, акс ҳолда таржимада аслиятдаги давр манзараси, ҳаёт ҳақиқати тўла намоён бўлмай қолади. Кузатишимизча, аскар ва амалдорларга бериладиган маош ва озиқ-овқат маъносини билдирувчи оригиналдаги **улуфа** сўзининг маъносига муқобил сўз танланмай, контекстга жой сўзи киритилган. Одатда улуфа подшоҳнинг ўз аъёнларига берадиган маош, озиқ-овқат ва ихтиёрига топшириладиган уй-жой маъносини билдирар экан, таржимада эса Бобур томонидан Мулла Фазлиддинга уй қуриб берилди шаклида келтирилиши аслиятдаги мазмунни бироз хиралаштирган.

Қиёсланг:

Аслиятда:	Туркманча таржимада:
<i>Мавлоно Фазлиддин подшоҳнинг хос меъмори қилиб тайинланган, унга яхшигина улуфа белгиланган эди. (Б. 85)</i>	<i>Ша хезретлери молла Фазлиддинни гадырыны билди. Ол көче накгашы эдиллип белгиленди, оңа ишлер хем яшар ялы чаклаңжа жай гуруп бердилер. (Б. 104)</i>

Бадий асарда номлар таржимаси билан шуғулланган Ю.Пўлатов шундай ёзади: «Баъзан таржимада бадий асарлардаги образларнинг номларига нисбатан шунчалик енгил-елпи қараладики, натижада асар қаҳрамонининг номи ҳеч қандай қонун-қоидага асосланилмаган ҳолда, эътиборсизлик билан бир неча хилда берилади»<sup>20</sup>.

Худди шунга ўхшаш ҳолат «Юлдузли тунлар» романидаги Аҳмад чошнагир образининг исми таржимасида ҳам юз берган. Чошнагир – сарой амалдори бўлиб, подшога тақдим этиладиган таомни тановул қилиб синаб кўрувчи, бугунги кун тили билан айтганда «дигустатор» деганидир. Буни қарангки, романдаги мана шундай муҳим мақомни, вазифани эгаллаган Аҳмад чошнагир исмидаги «чошнагир» сўзи туркманча, қорақалпоқча, русча таржима нашрларда тушириб қолдирилган. Мазкур архаик сўз **русча таржиманинг 22-саҳифасида**: *Вошла женищина-чошнагир, низко всем поклонилась (чошнагир – дегустатор блюд)*;

**қорақалпоқча таржимада эса 25-саҳифада**: *Сыртқы қапыдан тәжим етип кирген чашнагир ҳаял (патшаниң дәстурханға қарайтуғын адамы)*;

**туркман тилидаги нашр вариантыда эса 24-саҳифасида**: *Дашаркы гапыдан гирен ашпез аял тағзым эдил эгилди-де* шаклида берилган. Кўринадики, архаик сўзни транслитерация усулида бериш орқали (транслитерация қўлланилиши таржима тилида реалияларга тўғри эквивалентларнинг йўқлиги билан изоҳланади)<sup>21</sup> рус ва қорақалпоқ таржимонлари юқоридаги парча таржимасига тўғри ёндашган. Айни шу ҳолат Аҳмад чошнагир билан боғлиқ парчада ҳам берилганида эди китобхон учун воқеалар ривожигади кескинлик, айнан нега Малика Байда Аҳмад чошнагирни

<sup>19</sup> Курамбоев К. Таржима ва таржимон масъулияти. – Тошкент: Чўлпон, 2007. – Б. 20–22.

<sup>20</sup> Пўлатов Ю. Бадий асарда номлар таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 15.

<sup>21</sup> Очиллов Э. Таржима назарияси – Тошкент, 2014. – Б. 124.

сўрагани аниқ тасвирланган бўларди. Туркман таржимони эса ошпаз деб бериб тарихий-функционал тамойилда хатоликка йўл қўйган. Аслида, мутаржимдан «муаллиф яратган мазмунни қайта яратиш учун ҳам, ўгирилади асарнинг ватан адабиёти намунаси бўлишини тақозо этадиган даражадаги шаклини мукамал сақлаш учун ҳам бирдек масъулият» талаб қилинади<sup>22</sup>.

Хуллас, буларга ўхшаш аслиятда бирор луғавий бирлик ўрнида унга мос келмайдиган номуқобил сўзлар ишлатиш, зарур сўзни тушириб қолдириш, таржимада ўринсиз, оригиналдаги мазмунга тўла мос келмайдиган сўзларни қўллаш каби нуқсонлар ҳам мавжуд: Мунгли қиз – сөйгүли гыз, ҳазил – есер, қуён қулоқ уруғи – гоюнгулак тиреси, Жуман маймак – Жуман гаймак ва шу кабилар. Бундай нуқсонлар таржимада кутилади бадийлик талабига салбий таъсир қилади.

Диссертациянинг **III боби «Жой номлари таржимасида муқобил бирлик танлаш принципи»** деб номланади. Ишнинг биринчи фаслида «**Жой номлари таржимасида транскрипция ва транслитерация усули**» ҳақида тўхталдик. Тадқиқотлардан кузатилдики, тарихий мавзуда яратилган асарларни таржима қилиш анча мураккаб жараён бўлиб, таржимондан асарда ёритилган, тасвирланган тарихий воқелик, тарихий шахслар ва уларнинг нутқида қўлланган сўз, жумла, гаплар билан боғлиқ бўлган тарих қатларини, мозий садосини билиш, ўрганиш алоҳида тайёргарликни талаб қилади. Шу боис, таржима жараёнида бир тилдаги лексик бирликлар иккинчи тилга трансформация қилинган ҳолда ўгирилади. Таржима жараёнида куйидаги лексик трансформациялардан фойдаланилади:

– транскрипция ва транслитерация. Транскрипцияда сўзнинг талаффуз шакли, транслитерацияда эса унинг график шакли қайта тикланади;

– конкретлаштириш (аниқлаштириш – аслиятдаги кенг маънони тор маънода бериш);

– генерализация (умумлаштириш – аслиятдаги тор маъноли сўзни таржимада кенг умумлаштирувчи сўз билан алмаштириш);

– модуляция (аслиятдаги лексик бирлик маъносини таржимада кучайтириб бериш).<sup>23</sup>

Шу маънода, «Юлдузли тунлар» романининг туркман тилига таржима қилинган матнида адиб қўллаган тарихий жой номлари, яъни топонимларни беришда таржимон асосан транскрипция ва транслитерация усулига мурожаат қилганини кузатдик.

**Аслиятда:** «*Омад ҳам бир келса, қўша-қўша бўлиб келишини Бобур энди билмоқда эди. Самарқанд унинг қўлига ўтгандан кейин бу ёғи Ургут, у ёғи Сўғд ва Дабусия қалъаси бирин-кетин Шайбонийхоннинг ихтиёридан чиқиб, Бобурнинг ҳокимиятини тан олди. Мана бугун Қарши ва Ғузордан хушхабар келди – бу шаҳарлар Шайбонийхон қўйган доругаларни қувибди*» (Б. 238-б).

**Туркман тилида:** «*Беланың бир болуп гелмейши ялы, шатлыгам геленде гоша-гошадан гелйәр. Самарқандты Шейбанының элинден гаңрып аландан соң, гундокардакы Ургут, гунбатардакы Согд хем Дабусия*

<sup>22</sup> Владимирова Н. Иллат қаердан бошланади? / Таржима санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б. 73.

<sup>23</sup> Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Ўз МЭ, 2016. – Б. 129–132.

*ханлыклары-да, Шейбаныдан йуз өврүп, Бабырың ыгтыярында болмага мейилликлерини мәлим этдилер. Бу гүн болса Гаршыдан хем Гузардан хош хабарлар келди – олар Шейбанының дикмелерини ызына ит салып ковундырлар» (Б.215).*

Юқорида келтирган қиёсларимиздан билса бўладики, аслиятда қўлланган «*Омад ҳам бир келса, қўша-қўша бўлиб келиши*» иборасини таржимон «*Беланың бир болуп гелмейши ялы, шатлығам геленде гоша-гошадан гелйәр*» шаклида бериб, асар тасвирига ўзига хос бадий бўёқдорлик қўшган бўлса, «*ызына ит салып ковундырлар*» эса айнан мутаржим томонидан Шайбонийхоннинг доруғаларига нисбатан аслиятда мавжуд бўлмаган ибора қўлланган. Бу эса таржимоннинг воқеага ўзига хос ҳиссий-таъсирий томондан ёндашганлигини кўрсатади. Аслиятда муаллиф **Ургут, Сўғд ва Дабусия қалъа** номларини умумий тарзда санаб кўрсатган бўлса, таржимада эса ўқувчига бу қалъаларнинг айнан кунчиқиш ва кунботиш томонда жойлашгани ҳақида ҳам қисман географик маълумот берилган. Бироқ шу ерда мутаржим жузъий нуқсонга йўл қўйган, яъни аслиятдаги Ургут, Сўғд ва Дабусия қалъаларининг хонлик деб берилишидир.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли «**Топонимлар таржимасида функционал-услугий мувофиқлик**» деб номланган. Айтиш жоизки, функционал-услугий мувофиқлик нафақат топонимлар таржимаси, балки таржиманинг ҳар қандай соҳасида энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Функционал мувофиқлик таржимоннинг аслият муаллифи билан муносабати доирасида юз бериши керак, яъни асарнинг ғоявий, жанрий хусусиятларининг тўла сақланиши талаб қилинади<sup>24</sup>. Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи тарихий мавзуда бўлгани боис унда темурийлар даври, маданияти, темурийлар бошқарувида бўлган Мовароуннаҳр ва Хуросон давлати, шунингдек, қадим Ҳинд эли билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган кўплаб топонимлар ёки мухташам тарихий обидаларнинг номини юқоридаги фаслда транскрипция ва транслитерация усулида таржимада қандай акс этганлигини имкон қадар таҳлилга тортдик. Лекин таржимада бу ҳолат қанчалик тўғри ё тўлиқ акс этган? Мутаржим қадимий обидалар, топонимлар номини беришда тарихий манбаларга мос ҳолда аслият мазмунини нечоғлик аниқ ёрита олган? Юқорида таъкидланган функционал-услугий мувофиқлик тамойили ўзини оқлаганми? Тадқиқотнинг ушбу фаслида биз мазкур масалани, табиийки, қиёслар асосида кузатамиз: **Аслиятда: Хиротда Алишербек Ихлосия, Унсия отлиқ бинолар қурмишлар.** (128)

**Туркманча таржимада: Мир Алышир Хыратда әлеме ады яйран меишхур уч ымараты Ыхласыяны – Вепалилик өйүни, Халасыяни – Саглык өйүни, Унсияны –Достлук өйүни галдырды.** (93)

Қиёслардан аёнки, таржимада ҳам ҳазрати Алишер Навоий қурдирган бинолар номи ўзгаришсиз, яъни ўз номи билан акс этган. Ҳатто мутаржим биринчи парчада аслиятда мавжуд бўлган иккита обида (Ихлосия, Унсия) билан кифояланиб қолмасдан Халосияни (*Ыхласыясының, Халасыясының,*

<sup>24</sup> Сирождидинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. –Б. 17.

Унсыясының овазасы) ҳам киритган. Бу топонимлар битилган хабарлар мухташам «Бобурнома»да шундай изоҳланган: «Алишербекнинг ўлтурур уйларики, «Унсия» дерлар, мақбара ва масжиди жомеиники, «Қудсия» дерлар, мадраса ва хонақоҳиники, «Ихлосия» ва «Халосия» дерлар»<sup>25</sup>. Кўринадики, таржимадаги мухташам меъморий ёдгорликлар номининг берилишида ҳеч қандай тафовут йўқ. Лекин таржимон бу тарихий обидалар номининг таржимасини аслиятдагидек беришда бироз хатоликка йўл қўйгандек. Туркман тилида **Сағлык өйүни** саломатлик уйи<sup>26,27</sup> деган маънони ифодалар экан, демак, бу бирикма аслида Алишер Навоий қурдирган «Шифоия» (Шифохона)га нисбатан қўлланилса мос тушар эди. Халосия аслида арабчада халос<sup>28</sup> – озод бўлиш маъносига тенг келгани боис уни саломатлик уйи бирикмаси билан бериш бу ерда тарихий обида номига унчалик тўғри келмайди. Шунингдек, таржимада Навоий қурдирган мадраса – Ихлосияни / **Ыхласыяны** – **Вепалилик өйүни** деб берилишида ҳам бироз камчилик кўзга ташланади. Аслида туркман тилида ҳам **Ыхлас** сўзи мавжуд: **Ыхлас билен агласаң сокур гөзден яш чыкар**<sup>29</sup>. Аёнки, ихлос арабчада – чин юракдан астойдил ишонч билан бериш деган маъноларга эга<sup>30</sup>. Айни маъно туркман тилида ҳам шунга яқин турар экан, демак, бу ерда Ихлосия мадрасасининг номини изоҳсиз ҳолда ҳам бериш мумкин эди. Бинобарин, **Вепалилик** туркман тилида вафодорлик, садоқат<sup>31,32</sup> каби маънони англатади, мазкур ўринда Ихлосия мадрасасини Вафодорлик уйи деб ўгириш мазмунан унчалик мос эмас. Аслида ўзбек ва туркман тиллари туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, ўзаро қардош тиллар ҳисобланар экан, юқорида биз келтирган сўзлар этимологиясига кўра, араб тилидан ўзлашган бўлиб, аслида ҳар иккала тил учун ҳам бирдек тушунарлидир. Туркман таржимони Шодурди Чориев баъзи ўринларда аслиятга нисбатан фарқланувчи бундай камчиликларга йўл қўйган бўлса-да, аксарият ҳолларда тарихий-хроникага амал қилган ҳамда тарихий жой номлари, мухташам бино ва обидаларнинг номини таржимада сақлаб қолишда туркман тилининг ўзига хос лингвопоэтик ва лингвостилистик, лингвомаданий жиҳатларини, таъсирчанлигини кўрсатишга ҳам ҳаракат қилганини сезиш мумкин. Шундай экан, тарихий асарлар таржимасида бу каби жой номларининг бевосита ўзини бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

<sup>25</sup> Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 173.

<sup>26</sup> Түркменче-русче сөзлүк, Магтумкулы адиндагы Дил ве эдебият институты. – Москва, 1968. – С. 555.

<sup>27</sup> Русско-узбекский словарь. – Москва: 1954. – С. 243.

<sup>28</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: «Рус тили» нашриёти, 1981. – Б. 313.

<sup>29</sup> Түркменче-русче сөзлүк. – Москва, 1968. – С. 773.

<sup>30</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: «Рус тили» нашриёти, 1981. – Б. 340.

<sup>31</sup> Түркменче-русче сөзлүк. – Москва, 1968. – С. 130.

<sup>32</sup> Русско-узбекский словарь. – Москва, 1954. – С. 69.

## ХУЛОСА

«Юлдузли тунлар» романининг туркман ва бошқа тилларга таржимасини аслиятга қиёслаш натижасида тарихий-миллий давр колоритини қайта ифодалашдаги таржимон маҳорати, унинг ўзига хос принциплари хусусида куйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Тарихий мавзуда ёзилган Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи ўнлаб тилларга, жумладан, турк, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз каби қардош ҳамда рус, ҳинд, урду, бенгал тилларига таржима қилинган. Бу ҳолат эса миллий адабиётимиз намуналарига дунё аҳлининг юксак эҳтиром ва зарурият билан қараши, бутун дунёга танилган бобурийлар сулоласи асосчиси, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсиятига бўлган катта қизиқишдан далолат беради. Мазкур тарихий роман таржимаси туркий халқлар адабиёти тараққиётида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2. Ўзбек романчилиги тарихида тарихий ва замонавий мавзуда романлар ёзиб, бу жанрда, хусусан, темурийлар шажарасини катта маҳорат билан акс эттирган П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи шўро даври адабиётшунослигида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Роман илк бор Ю.Суровцев томонидан рус тилига, сўнгра, марказ буйруғи билан тезликда қардош ва бошқа тилларга ўгирилди. Шодурди Чориев ҳам марказдан берилган ижтимоий буюртма асосида қисқа муддат ичида биров қисқарган шаклда «Юлдузли тунлар»ни туркман тилига таржима қилди.

3. Шодурди Чориев оригиналнинг ўзига хос тарихий ва миллий давр колоритини беришда асосан, тарихийлик, тарихий-услубий мослаштириш, замонавийлаштириш, фонетик принципларидан унумли фойдаланган. Ўзбек-туркман тиллари аро лексик, фонетик ва грамматик муштараклик мутаржимга адекватга анча яқин таржимани яратишда қўл келган. Романда иштирок этган ўнлаб тарихий шахслар ташқи портретида тасвирланган миллий кийим-кечаклар ҳам тарихий ва миллий колоритни ёрқин акс эттирувчи муҳим миллий реалиялардан ҳисобланади. Ш.Чориев миллий кийимлар номини туркман тилида беришда асосан, тарихийлик принцигига амал қилади. Рус таржимони Ю.Суровцев эса миллий кийим-кечакларни замонавийлаштириш принцигига амал қилган ҳолда баъзи ўринларда аслиятдан, тарихий-миллий колоритдан анча узоқ бўлган сўзларни қўллаган.

4. Тарихий роман матнида учрайдиган архаизмлар ва историзмларни туркманчалаштиришда мутаржим муқобил сўз танлаш принцигига амал қилган ҳолда функционал-тарихийлик принципини сақлаб қолишга эришади. Таржимон изоҳталаб бирликлар сифатида айрим сўзларнинг мазмунини берса, айримларини замонавийлаштиради. Тарихий асарда эскирган сўзлар таржимасида таржимон давр манзарасини тўлақонли акс эттириш учун архаизм ва историзмларни аслият матнига мос, муаллиф услубига мувофиқ ҳолда бера олган. Лекин баъзи ўринларда модернизация тамойилига мурожаат натижасида туркманча таржимада анча жиддий хатоликлар юзага келган.

5. Қавм-қариндошликни ифодаловчи терминларни беришда мутаржим уларнинг умумтуркий муштараклик қонуниятларига тўла амал қилган.



Тадқиқотимиз натижасида қариндошлик терминларида фонетик фарқ борлиги, аммо семантик фарқ йўқлиги ўрганилди. Мазкур ҳодиса туркманча, қорақалпоқча таржимада яққол кўзга ташланган. Яқин тиллардан қилинган таржималарда мутаржимлар кийим-кечаклар, қавм-қариндошлик атамалари, қаҳрамон портрети, уларнинг руҳият тасвирини бериш жараёнида миллийлаштиришга, ўз миллатига мансуб реалияларни акс эттиришга ҳаракат қилади, бу ҳолат романнинг туркман ва қорақалпоқ тилидаги таржималарида яққол намоён бўлган.

6. Туркманча таржимада анчагина муваффақиятлар билан бир қаторда ўринсиз, оригиналдаги мазмунга тўла мос келмайдиган сўзлар ишлатиш, энг зарур сўзларни тушириб қолдириш каби нуқсонлар ҳам мавжудки, бу ҳолат айниқса тарихий асарда муаллиф кўзда тутган маънонинг мавҳумлашишига олиб келган. Аммо Ш.Чориев аслият матндаги историзмлар, архаизмлар, иборалар, халқ мақоллари, образли ифодаларнинг адекватга яқинлигини таъминлашда, оригинал лексик бирликларга муқобил луғавий бирликлар, синонимлар, баъзан сўзга тенг иборалар танлашда туркман адабий тилининг имкониятидан ташқари, туркман шеvasидаги сўзлардан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилади, бадий услубнинг мазмун ва шакл мутаносиблигини сақлашга ижодий ёндашади.

7. Шеърий парчалар таржимасида туркман таржимони асосан эркин таржима тамойилига амал қилади, мисралардаги ритм, вазн мутаносиблиги, қофиядош сўзлардаги оҳангдошликни сақлаш натижасида таржимада шеърий парчалар аслиятдаги ифода йўсини билан уйғунлашган. Гарчи баъзи сўзлар туширилган ёки қўшилган бўлса ҳам, лирик тасвирдаги бадийлик сақланган. Лекин форсий тилда келтирилган мисраларни бевосита сўзма-сўз таржимада бериш тарихий давр манзарасининг тўлалигича намоён бўлишига халақит қилган. Мутаржим форсий мисралар таржимасида аввал уларнинг аслини бериб, кейин изоҳ тарзида сўзма-сўз таржимадан фойдаланганида бу усул ўзини оқлар эди.

8. Аслиятдаги баъзи халқона ибора ва мақолларни беришда ҳам ўзбек-туркман тилларининг услубий қонуниятлари ҳисобга олинган. Аксарият ибораларни беришда ҳам таржимон бевосита матн маъносига таяниб, оригиналдаги ибора компонентлардан бирига муқобил компонент танлаган, ибора мазмуни таржимада тўла сақлаб қолишга интилган. Аслият матнидан келиб чиққан ҳолда, бевосита матн маъносига таяниб, таржимон айнан туркман тилига, туркман китобхонларига таниш бўлган ибора, идиомаларни қўллайди, руҳий тасвирни бўёқдор ва жонли тасвирлашга хизмат қилган иборалар маъносини тўғри англаган ҳолда гарчанд аслиятда мавжуд бўлмаса-да, таржима жараёнида уларни контекстга мослаштиради ва тасвирдаги бадийлик мезонига амал қилади. Бу жиҳатдан икки тилдаги фразеологик ибораларнинг берилиши асл нусха матнига муқобил ибора ишлатишда таржимон фразеологизмларни, баъзи мақолларни беришдаги икки тилнинг стилистик хусусиятларига эътибор берган ва ўзбек-туркман тилларининг генетик яқинлигини амалда кўрсатган.

9. Роман матнида учрайдиган юзлаб тарихий ва географик жой номлари, тарихий обидалар номлари мутаржим томонидан транскрипция ва

транслитерация усули орқали, баъзи ўринларда фонетик принципга амал қилган ҳолда тўғри таржима қилинган. Аслиятдаги жой номларини беришда мутаржим қўшимча географик ва тарихий маълумотлардан фойдаланади, топонимлар билан боғлиқ парчалардаги тасвир ва воқеалар баёнини янада бойитган ҳолда тоғ, дарё, қалъа, шаҳар ва кентлар, қишлоқларнинг географик жойлашувини табиат манзараси билан уйғунлаштиради, тасвирда бадиий бўёқдорликни ҳам ёнма-ён олиб боради.

10. Бугунги кунга қадар амалга оширилган «Юлдузли тунлар»нинг қардош туркий тилларга таржималарини ўрганиш, таржима нашрларида кўзга ташланган ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиш янги мукамал таржималарнинг юзага келишига асос бўлади. Қолаверса, романнинг муаллиф томонидан ишланган, мукамаллаштирилган, тўлдирилган сўнгги нашри ҳам янги таржима учун асос беради. Демак, келажакда ўзбек-туркман таржимашунослиги соҳасида тадқиқотлар ва янги бадиий таржималар давом этишига мазкур тадқиқот қайсидир маънода туртки беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

---

**ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

**БУРАНОВА БАРНО МЕНГЛИБАЕВНА**

**ПРИНЦИПЫ СОХРАНЕНИЯ ИСТОРИКО-НАЦИОНАЛЬНОГО  
КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ  
(НА ОСНОВЕ ПЕРЕВОДА НА ТУРКМЕНСКИЙ ЯЗЫК РОМАНА  
«ЗВЁЗДНЫЕ НОЧИ»)**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и  
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/Fil.390.**

Диссертация выполнена в Институте узбекского языка, литературы и фольклора при Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Назаров Бахтияр Аминович</b> Доктор филологических наук, академик
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Халлиева Гулноз Искандаровна</b> Доктор филологических наук, профессор <b>Гайлиева Огулбай Курбанмурадовна</b> Доктор филологических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 при Ташкентском государственном университете востоковедения (Адрес: 100047, Ташкент, улица Шахрисабз, 16. Тел.: (99871) 233-45-21; fax: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована за № \_\_\_) (Адрес: 100047, г. Ташкент, улица Шахрисабз, дом 16. Тел.: (99871) 233-45-21.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(Протокол рассылки № \_\_\_ «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.).

**А.М. Маннонов**  
председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
филологических наук, профессор

**Р.А. Алимухамедов**  
секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
филологических наук

**Б.Тухлиев**  
председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, доктор филологических наук,  
профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировом литературоведении особое внимание уделяется художественному переводу, теории и практике перевода, проблемам перевода, его общефилологическим вопросам, воссозданию оригинального художественного текста в художественном переводе, принципам сохранения историко-национального колорита при переводе исторических произведений и трансформационным процессам. При переводе исторических произведений важную роль играет мастерство переводчика в отражении исторических личностей, событий, национальных реалий, историзмов и архаизмов устаревшего пласта лексики, а также исследования по достижению функционально-методологической совместимости при переводе.

В мировом литературоведении приобретает актуальность исследование историзмов, архаизмов, национальных реалий, встречающихся при переводе исторических произведений, вопросов воссоздания картин исторического периода, соблюдения принципа адекватности, целостной эквивалентности. В этом смысле исследования в этой области являются важным фактором при оценке продукта перевода как искусства. В частности, в переводоведении проводятся исследования по таким направлениям как принципы передачи национального колорита, терминов родства, дословного и вольного перевода поэтических отрывков, встречающихся в прозе, формальных пропорций и различий в выборе эквивалентных слов, перевода фразеологизмов, народных пословиц и поговорок в соответствии с исходным текстом.

Наряду с дружескими отношениями узбекского и туркменского народов в социально-политической сфере в период независимости, развитие литературных связей, их взаимовлияние, типология, распространение и пропаганда литературы двух народов в Узбекистане и Туркменистане создают потребность новой интерпретации и анализа в литературоведении. Тот факт, что «Узбекистан должен быть конкурентоспособным в мировом масштабе в области науки, интеллектуального потенциала, современных кадров, высоких технологий»<sup>1</sup>, ставит перед наукой литературоведения ответственность за поднятие теоретических вопросов до уровня мировых стандартов. Соответственно, разработка законов и принципов художественных переводов с родственных языков, определение качества перевода произведения Народного писателя Узбекистана Пиримкула Кадырова «Звездные ночи» на туркменский язык, и сопоставление переводов на каракалпакский и русский языки, является одним из самых перспективных направлений переводческой науки и его исследование определяет актуальность диссертации.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан: Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП № 2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской

---

<sup>1</sup>Обращение Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису от 22 декабря 2017 года //Народное слово, 2017, 22 декабря. – № 258 (6952).

деятельности», ПП-3271 от 13 сентября 2017 г. «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения», «О широком праздновании 580-летия со дня рождения великого поэта и мыслителя Алишера Навои» за №ПП-4865 от 19 октября 2020 г., в Распоряжении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О проведении Международной конференции на тему: «Об актуальных вопросах изучения и пропаганды классической и современной узбекской литературы в мировом масштабе» за №124-Ф от 16 февраля 2018 г. и в других нормативно-правовых документах Республики Узбекистан, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, нравственно-духовном развитии информатизированного общества и демократического государства, и пути их развития».

**Степень изученности исследования.** В узбекском литературоведении проделана большая работа в области художественного перевода, в частности, истории перевода, теории перевода, места перевода в истории нашей литературной культуры, истории узбекского перевода, переводческого мастерства, искусства перевода, проблемы репродукции оригинального (исходного) произведения<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Владимирова Н. Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык: Дисс.канд. филол. наук. – Ташкент, 1958. – 184 с.; Шарипов Ж. Русчадан ўзбекчага шеърлий таржиманинг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1959. – 154 б.; шу муаллиф. Бадиий таржималар ва мохир таржимонлар. – Тошкент: Фан, 1972. – 258 б.; Мусаев Қ. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 159 б.; Пўлатов Ю. Бадиий асарда номлар таржимаси. – Тошкент: Фан, 1967. – 66 б.; Каримов М. Қозоқ, қирғиз тилларидан ўзбекчага таржиманинг айрим масалалари: Филол.фан.номз...дисс... – Тошкент, 1974. – 180 б.; Эгамова Я. Асл нухадаги қахрамонлар образини бадиий таржимада қайта яратиш масаласи: Филол.фан.номз. дисс... – Тошкент, 1974, 202 б.; Таржима санъати. – Тошкент: 1961. – 160 б.; Таржима санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – 304 б.; Таржима санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976; Таржима санъати. 3-китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – 311 б.; Таржима санъати. 4-китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 327 б.; Таржима санъати. 5-китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 304 б.; Таржима санъати. 6- китоб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 263 б.; Бадиий таржиманинг актуал масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 227 б.; Таржимон маҳорати. – Тошкент: Фан, 1979. – 195 б.; Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – 60 б.; Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – 190 б.; шу муаллиф. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 232 б.; Ўзбекистонда бадиий таржима тараққиёти (таржима тарихидан лавҳалар). – Тошкент: Фан, 1986. – 205 б.; Ўзбекистонда таржимачилик. – Тошкент: Фан, 1988. – 227 б.; Исомиддинов З. Яқин туркий тиллардан шеърлий таржима хусусиятлари («Манас» эпоси таржимаси мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1991. – 191 б.; Жавбўриев М. Бадиий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш (О.Ёқубов «Улўғбек хазинаси» тарихий романининг немисча таржимаси мисолида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1991. – 153 б.; Очилов Э. Рубой таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 1994. – 134 б.; Мирзоқулов С. Қариндош тиллардан таржима асарларнинг лексик-семантик тадқиқи (Т.Қосимбековнинг «Синган қилич» романи таржимаси асосида): Филол.фан.номз... дисс. – Тошкент, 2000. – 155 б.; Яркинова Б. Туркий тиллардан таржимада тарихий колоритнинг акс эттирилиши (Қирғиз адаби Т.Қосимбековнинг «Синган қилич» романи таржимаси мисолида): Филол.фан.номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2002. – 25 б.; Дильманов И. Қардош тиллардан эпос таржимасида миллий ўзига хосликнинг қайта талқини: («Шаҳриёр» ва «Маспошша» дostonларининг ўзбекча таржималари асосида): Филол.фан.номз. дисс... – Тошкент, 2005. – 150 б.; б.; Очилов Э. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2012. – 124 б.; шу муаллиф. Бадиий таржима масалалари. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014. – 176 б.; шу муаллиф. Таржима назарияси. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014.–140 б.; шу муаллиф. Таржимашунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014. – 264 б.; Тухтаходжаева Н. Бадиий таржимада лингвокультуранемаларнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан ва технология, 2013. – 132 б.; К.Жўраев ва бошқ. Таржимашунослик. – Тошкент: Академнашр, 2015. – 320 б.; Салимова Д. Шеърлий таржимада бадиий ният ва поэтик маҳоратнинг қайта ифодаланиши: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 158 б. Giray E. Özbek yazar Pırimkul Kadırov un romancılıđı. – Türkiya: Atvin 2018.

Хотя в теории и практике художественного перевода, в частности, и изучены вопросы, связанные с художественным переводом с родственных тюркских языков, но еще не создано фундаментальное исследование по ряду научных и теоретических проблем, касающихся переводов исторического романа П. Кадырова «Звездные ночи» на родственные и европейские языки. Однако роман «Звездные ночи» переведен на такие родственные языки как турецкий, туркменский, каракалпакский, казахский, киргизский, а также на такие языки как русский, хинди, урду и бенгали. Тот факт, что проблема в узбекской литературе изучена не полностью, также свидетельствует о важности монографического исследования проблемы. Хотя в области узбекско-туркменских литературных отношений был проведен ряд крупных исследований, но по-прежнему еще очень мало работ по художественному переводоведению этих двух народов. В этом отношении можно привести, как пример, два из самых последних исследований – это диссертации Ф. Сапаевой, О.Гайлиевой<sup>3</sup>.

**Соответствие исследования плану научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертация выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Института узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан, в рамках фундаментального научного проекта ОТ-Ф1-77 Подготовка к изданию 100-томника «Шедевры узбекской литературы» (2017–2020).

**Цель исследования** заключается в сравнении перевода романа «Звездные ночи» народного писателя Узбекистана Пиримкула Кадырова на туркменский язык (переводчик Шодурди Чориев) с оригиналом, в выявлении принципов сохранения историко-национального колорита в художественном переводе, в раскрытии мастерства переводчика посредством сопоставления переводов романа на каракалпакский и русский языки.

**Задачи исследования:**

раскрыть проблему воссоздания национального колорита и колорита прошлого периода в переводе исторического романа, показать отражение названий предметов национальной одежды в изображении исторических личностей;

обосновать на научной основе принцип и подход переводчика в переводе историзмов, архаизмов, историзмов военной сферы, встречающихся в художественном контексте романа;

осветить при помощи сравнительного анализа отражение родоплеменных терминов в изданиях перевода на туркменском и каракалпакском языках с учетом близости родственных языков;

---

<sup>3</sup> Сапаева Ф. Махтумкули шеърлари ўзбекча таржималарининг қиёсий таҳлили: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б; Гайлиева О. Мустақиллик даври туркий халқлар лирикасида шаклий изланишлар ва уларнинг типологияси (ўзбек, қорақалпоқ ва туркман лирикаси мисолида): Филол.фан.д-ри (DSc) дисс. автореф. – Нукус, 2019. – 71 б.

определить осуществление перевода на туркменский язык на основе равной эквивалентности популярных фраз, идиом и пословиц, встречающихся в тексте романа;

показать некоторые проблемы поэтического перевода при сравнении изданий романа на туркменском и каракалпакском языках, и, частично, на русском языке, в переводах поэтических фрагментов из творчества Алишера Навои, Джами, Бабура, Бинои и других;

сопоставить с оригиналом отражение исторических и географических топонимов методами фонетики и транслитерации в переводе на туркменский язык, показать творчески-индивидуальный подход переводчика к выбору эквивалентных слов в соответствии с текстом оригинала и правильным пониманием идеи, стиля и цели писателя.

**Объектом исследования** стали роман «Звездные ночи» (П. Кадыров. Юлдузли тунлар, Ташкент, 1981)<sup>4</sup>, а также его перевод на туркменский язык «Йылдызлы гижелер» (в переводе Ш. Чориева, Туркменистан, Ашхабад, 1988)<sup>5</sup>, перевод на каракалпакский язык «Жулдызлы тунлер» (в переводе Х. Жумашева, А. Содикова, Нукус, 1983)<sup>6</sup>, перевод на русский язык «Звездные ночи» (в переводе Ю. Суровцева, Москва, 1983, 1988)<sup>7</sup>, также для сопоставления были проанализированы дополненные варианты публикаций романа<sup>8</sup>.

**Предмет исследования** составляет сравнительный анализ переводов романа «Звездные ночи» на туркменский, каракалпакский и русский языки с текстом оригинала, а также проблемы изучения в этих переводах мастерства переводчика в передаче национального колорита исторического периода.

**Методы исследования.** Для освещения темы исследования использовались методы сравнительно-типологического, сравнительно-исторического, статистического и комплексного, лингво-поэтического анализа.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

обосновано мастерство переводчика в использовании исторической, историко-методологической адаптации, модернизации, фонетических принципов, узбекско-туркменских межъязыковых лексических, фонетических и грамматических аспектов общности при переводе на туркменский язык романа «Звездные ночи», что помогло переводчику создать близкий к оригиналу перевод и воссоздать своеобразный колорит историко-национального периода;

выявлено, что переводчику удалось сохранить функционально-исторический принцип, следуя принципу выбора эквивалентных слов для перевода на туркменский язык архаизмов, историзмов, обнаруженных в тексте произведения, также переводчик смог передать архаизмы и историзмы в соответствии с исходным текстом, в единстве с авторским стилем, для перевода устаревших слов в произведении, чтобы полностью отразить колорит того

<sup>4</sup> Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Ўзбекистон. 1981. – 496 б.

<sup>5</sup> Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Ўзбекистон. 1981. – 496 б.

<sup>6</sup> Қадиров П. Жулдызлы тунлер. (Х.Жумашев, А.Садыков аўдармасы) – Нукус: Қаракалпақстан, 1983. – 516 б.

<sup>7</sup> Қадиров П. Бабур. Звездные ночи (Перевод с узбекского Ю.Суровцева). – М.: Сов.писатель, 1983. – 462 с.

<sup>8</sup> Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 462 б.; Юлдузли тунлар. (Бобур). Тарихий роман. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 543 б.; Юлдузли тунлар. (Бобур). Тарихий роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 2018. – 565 б. (В последующих местах работы взятые примеры из этих источников указывается только страница.)



периода, но в результате обращения к принципу модернизации в туркменском переводе допущены ошибки в переводе национальных реалий, политических и военных терминов;

установлено на основе сравнительно-типологических, лингвостилистических наблюдений, что художественный перевод некоторых народных фраз и слов основан на принципах дословного перевода, выбора эквивалентного варианта, модуляции, сокращения состава текста, с целью выражения духовного состояния героя через ясный, простой, народный стиль, что ведет к опущению паремиологических единиц;

обоснованы преимущества и недостатки дословного и вольного перевода имеющих в тексте романа стихотворных фрагментов, принадлежащих перу Джамии, Навои, Бабур, Бинои, а также показано мастерство Шодурди Чориева и его индивидуальный подход к лирическому описанию и интерпретации при переводе на туркменский язык некоторых стихотворных фрагментов, что значительно превосходит переводы русского переводчика Ю.Суровцева, каракалпакских переводчиков А.Джумашева, А.Садыкова в плане полного освещения художественной сущности оригинала в переводе и отражения в широком ракурсе стиля автора;

